


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қарақалпоғистон Республикаси
Банлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлиги Давлат меҳнат инспекция
бошлиғи в.в.б

М.Раметов
«18» апрель 2023 йил

Қарақалпоғистон Республикаси Банлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясининг
БАЁННОМАСИ № 13

“18” апрель 2023 йил

Нукус шахар

Раислик қилувчи: Қарақалпоғистон Республикаси Банлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат
инспекция бошлиғи в.в.б М.Раметов

Қатнашганлар: Қарақалпоғистон Республикаси Банлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат
инспекция ходимлари

КУН ТАРТИБИДА:

**Қарақалпоғистон Республикаси Банлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлигининг Давлат меҳнат инспекция ходимлари орасида ЗООМ
платформаси орқали коррупциянинг олдини олиш ва тартиб интизом
бўйича**

(М.Раметов, К.Қалендаров, М.Курбанов, Б.Алламбергенов ва бошқалар)

Мажлис давомида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг
Давлат меҳнат инспекция бошлиғи в.в.б М.Раметов сўзга чиқиб,
коррупциянинг олдини олиш бўйича фикир мулоҳазаларни айтиб ўтди.

Шунингдек, ҳар ойда режа асосида чиқарилган бўйруқларнинг
назоратини олиб бориши ва ҳар куни ишлаган ишлари тўғрисида кунлик
маълумотларни вазирликга тақдим этишини ва ўз манфаати учун хизмат
вазифаларидан фойдаланмаслигини таъкидлаб ўтди. Бундан ташқари,
референдум олдидан аҳолини норози қилмасдан текшириш олиб бориш,
бажарилиши кўтилаётган хат ва мурожаатларнинг ижросини ўз вақтида
таъминлаш, Республика тез тиббий ёрдам маркази Қарақалпоғистон
филиали, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази
Қарақалпоғистон филиаларини текширига чиқарилган бўйруқнинг ижросини
бекитилган меҳнат хуқуқ инспекторлари томонидан ўз вақтида таъминлашни
айтиб ўтди.

Шундан сўнг, Қарақалпоғистон Республикаси “Комплаенс назорат”
шўйбаси бош мутахассиси К.Қалендеров сўзга чиқиб коррупцияга қарши

курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгурди дея таъкидлаб ўтди.

Жумладан, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда Ўзбекистон ислоҳотларининг асосий ҳужжати хисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти катта хисобланади деб атаб ўтди.

Шунингдек, мамлакат тараққиётининг энг муҳим йўналишлари белгиланган Ҳаракатлар стратегиясининг Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқук тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишида бевосита коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-хуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланганлигин, энг аввало, шуни таъкидлаш ўтиш жоизки, коррупцияга қарши курашнинг сифат ва сон жихатдан мутлако янги даражага кўтарилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси маҳсулидир. Жумладан, давлат раҳбарининг жамиятни «ҳалоллик вакцинаси билан эмлаш» зарурияти ҳақидаги фикрлари бу борадаги ишларга кўйилган тамал тоши десак, асло муболага бўлмайди. Зеро, Президент 2020 йилнинг 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, «Жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди» деб айтиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-211 моддаларининг мазмун моҳиятини тушунтириб берди.

Бундан ташқари, Хўжайли тумани Давлат меҳнат хуқук инспектори Ж.Курбанбаев юкоридаги фикир ва мулоҳазалардан келиб чиқиб ўз сузи билан инспекция ходимлари ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва ўз хизмат вазифаларини маъсулиятли турда олиб бориши коррупция иллатига қарши курашиш ҳақида айтиб ўтди.

Мажлис якуни билан юкорида таъкидлаб ўтилган масалалар юзасидан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. (Б.Алламбергенов, М.Курбанов) Ҳар ойда режа асосида чиқарилган буйруқларнинг назоратини олиб бориши топширилсин.
2. Давлат меҳнат инспекторлари ва уларнинг ёрдамчилари ҳар куни кунлик ишлаган ишлари тўғрисдаги маълумотларини вазирликга тақдим этиб борсин.
3. Ўз манфаати учун хизмат вазифаларидан фойдаланмаслик хамда тартиб интизомига амал қилинсин.
4. “Комплаенс назорат” шўйбаси бош мутахассиси Қ.Қалендеров; -коррупцияга боғлиқли хукуқбузарликларнинг олдин олишга, уларни аниқлашга, чек қўйишга, шунунгдек, уларга шароит яратиб берувичи сабабларни бартараф килиш чораларини кўрсин.

- Барча ходимлар коррупцияга боғлиқли хуқуқбузарликларнинг фойда бўлиш ихтимоли сезилганда тезлик билан ўз раҳбарларини ва хукуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш топширилсин.

5. Референдум олдидан ахолини норози қилмасдан текшириш олиб бориш, бажарилиши кўтилаётган хат ва мурожаатларнинг ижросини ўз вақтида бажарилиши, Республика тез тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон филиали, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиаларини текширишга чиқарилган буйрукнинг ижросини бекитилган меҳнат хуқуқ инспекторлари томонидан ўз вақтида таъминлансан.
6. Ушбу баённоманинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Баёнлаштирган:



С.Худайбергенова